



**“Талабалар ўзлаштириши ҳақида маълумот олиш”  
интерактив хизматининг намунавий регламенти**

**1. Хизмат таърифи.**

1.1. Хизмат номланиши.

Қисқа номи: “Талабалар ўзлаштириши ҳақида маълумот олиш”.

Кенгайтирилган номи: “Олий таълим муассасаси (кейинги ўринларда- ТАҚИ) расмий веб-сайти орқали “Талабалар ўзлаштириши ҳақида маълумот олиш” интерактив хизмати.

1.2. Хизмат натижаси.

Бакалаврият ва магистратурада таълим олаётган талабанинг фанлардан ўзлаштириш натижаларини мониторинг қилиш.

1.3. Хизмат кўрсатувчи органлар.

Хизмат ТАҚИ томонидан кўрсатилади.

1.4. Ҳуқуқий асослар.

Ўзбекистон Республикаси Олий ва ўрта махсус таълим вазирининг “Олий таълим муассасаларида талабалар билимини назорат қилиш ва баҳолашнинг рейтинг тизими тўғрисида”ги Низом тасдиқлаш ҳақида”ги буйруғи.

(Ўзбекистон Республикаси Адлия вазирлиги томонидан 2009 йил 10 июлда рўйхатдан ўтказилди, рўйхат рақами 1981)

1.5. Хизматдан фойдаланувчилар.

ТАҚИ талабалари фойдаланишлари мумкин.

1.6. Хизматдан фойдаланиш муддатлари.

Ўқув йили давомида.

1.7. Бажарилиш муддатлари.

Жавоб бериш: мурожаат жўнатилиши билан онлайн тақдим.

**2. Хизматдан фойдаланувчиларга маълумот тақдим этиш.**

2.1. Маълумот таркиби ва ҳажми.

Мурожаат этган аризачига қуйидаги ахборот берилиши лозим:

- хизмат регламенти мавжудлиги ва регламент билан танишиш усуллари;
- талабалар ўзлаштириши ҳақида маълумот олиш.

2.2. Батафсил маълумот олиш.

Талабалар ўзлаштириши ҳақида маълумот олиш хизмати тўғрисида ахборот бериш ТАҚИнинг расмий веб-сайти орқали.

2.3. Хизмат кўрсатиш манзили ҳақида маълумот олиш.

ТАҚИ маъмурий биноларининг жой манзили ва жамоат транспорти йўналишлари рақамлари билан бирга кўрсатилади.

### 3. Иш вақтлари ва мурожаат жавобларини кутиш вақтлари.

3.1. Иш вақтлари.

Хизмат кўрсатувчининг иш вақти: ҳафтанинг душанба-шанба кунлари соат 9<sup>00</sup> дан 18<sup>00</sup> га қадар.

3.2. Кутиш шартлари.

1 иш куни.

### 4. Хизмат кўрсатиш тартиби.

4.1. Зарур бўлган ҳужжатлар.

- ЭРИ (электрон рақамли имзо).

4.2. Хизмат тўлови.

Бепул.

4.3. Хизмат кўрсатиш босқичлари.

ТАҚИнинг расмий веб-сайти орқали хизмат кўрсатиш босқичлари:

1. id.gov.uz орқали рўйхатдан ўтилади ва тизимга кирилади.

2. “Интерактив хизматлар” бўлимидан “Талабалар ўзлаштириши ҳақида маълумот олиш” интерактив хизмати танланади ва керакли маълумотлар олинади.

4.4. Рад этиш сабаблари.

- талаба академик таътилда бўлса;

- талабалар сафидан четлаштирилган бўлса.

**“КИРИТИЛДИ”**

Тошкент архитектура  
қурилиш институти  
БИҚ факультети



И. Алиев  
2017 й.

**“КЕЛИШИЛДИ”**

Тошкент архитектура  
қурилиш институти  
Ахборот технологиялари  
маркази бошлиғи

  
Э. Умматов  
“ 09 ” 10 2017 й.